

**ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

Буранова Разия Ермахамед кизи
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Криминология кафедраси
доценти в.б., ю.ф.б.ф.д. (PhD)

**ИНФОРМАЦИЯ О
СТАТЬЕ**

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 23.06.2026

Revised: 24.06.2026

Accepted: 25.06.2026

**КЛЮЧЕВЫЕ
СЛОВА:**

оила, оилавий
зўравонлик, ижтимоий
профилактика,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
профилактика
инспектори, ҳимоя
ордери, маҳалла,
виктимологик
профилактика,
жиноятчилик.

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий профилактикасини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Оилавий низолар, тазйиқ ва зўравонлик, шахсга қарши жиноятлар ҳамда уларнинг содир этилишига имкон бераётган ижтимоий омиллар ўрганилган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолияти, ҳимоя ордери институти, маҳалла тизими ва профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлиги таҳлил қилиниб, профилактик фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Оила — жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, ижтимоий институти ҳисобланади, унда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш давлат ва жамиятнинг устувор вазибаларидан саналади. Барқарор ва соғлом оила муҳити жамият хавфсизлиги, аҳоли фаровонлиги ҳамда ёш авлод тарбиясининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, оилада юзага келадиган низолар, руҳий ва жисмоний зўравонлик ҳолатлари айрим ҳолларда оғир ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактиканинг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратadbирлари тизими сифатида белгиланади. Демак, “ижтимоий профилактика”

қонунчиликда алоҳида мустақил профилактика тури сифатида эмас, балки барча профилактика турларини ижтимоий ёрдам, ижтимоий реабилитация, ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий хавф омилларини бартараф этиш билан боғловчи функционал йўналиш сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий профилактика – оилада ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий, иқтисодий, психологик, тиббий, педагогик ва маиший омилларни аниқлаш, уларни камайтириш ёки бартараф этиш, жабрланувчини ҳимоя қилиш, зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахсни ижтимоий мослаштириш ҳамда оила муҳитини соғломлаштиришга қаратилган комплекс тадбирлар мажмуидир.

Қонунда ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратадбирлар мажмуи сифатида белгиланган. Бу таъриф оила-турмуш соҳасида ижтимоий профилактиканинг ҳуқуқий асосини ташкил қилади.

Профилактика тури	Асосий йўналиш	Оила-турмуш соҳасидаги мисол
Умумий профилактика	Кенг аҳоли қатлами билан ишлаш	Маҳаллада “Оилада зўравонликка йўл йўқ” мавзусида тарғибот
Махсус профилактика	Муайян хавф гуруҳи ёки криминоген вазиятга таъсир	Ишсиз, спиртли ичимликка мойил ёки низоли оилалар билан комплекс иш
Якка тартибдаги профилактика	Аниқ шахс билан манзилли ишлаш	Зўравонлик содир этган шахс билан профилактика суҳбати, огоҳлантириш, тузатиш дастури
Виктимологик профилактика	Жабрланувчини ҳимоя қилиш ва жабрланиш хавфини камайтириш	Ҳимоя ордери, шелтер, психологик ва ҳуқуқий ёрдам
Ижтимоий профилактика	Ижтимоий хавф омилларини камайтириш ва хизматларга улаш	Ишга жойлаштириш, моддий ёрдам, реабилитация, оила патронажи

Амалиётда ушбу профилактика турлари бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ягона занжир сифатида қўлланади. Масалан, умумий тарғибот давомида муайян оилада иқтисодий қарамлик, руҳий босим ва таҳдид мавжудлиги аниқланса, ҳолат виқтимологик ва яқка тартибдаги профилактикага ўтказилади, шу билан бирга ижтимоий профилактика орқали жабрланувчи “Инсон” маркази, психолог, бандлик ёки тиббий хизматга йўналтирилади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган жиноятлар, айниқса, хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан маиший зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш масаласи ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай жиноятларнинг келиб чиқишига маиший муаммолар, бандликнинг йўқлиги, руҳий тушқунлик, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларга ружу қўйиш каби омиллар бевосита сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда оилавий (маиший) зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди⁶³.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг профилактикаси нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки маҳалла институтлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигини талаб этувчи комплекс ижтимоий вазифа ҳисобланади⁶⁴.

Криминологик нуқтаи назардан оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлар деганда оила аъзолари, қариндошлар ёки биргаликда яшовчи шахслар ўртасида юзага келадиган низолар замирида содир этиладиган ҳуқуққа хилоф қилмишлар тушунилади. Ушбу турдаги жиноятларга қуйидагилар киради: 1) қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш; 2) қийноққа солиш; 3) қўрқитиш; 4) ҳақорат қилиш; 5) руҳий тазйиқ ўтказиш; 6) мулкка қасддан зарар етказиш; 7) ўлдириш ёки ўлдиришга суиқасд қилиш; 8) болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг аксарияти узоқ вақт давомида ҳал этилмаган маиший низолар, иқтисодий қийинчиликлар, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ишсизлик, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ва гендер стереотиплари таъсирида содир бўлади⁶⁵. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг муҳим хусусияти шундаки,

⁶³ <https://lex.uz/acts/4494709>

⁶⁴ <https://uzbekistan.osce.org/sites/default/files/f/documents/9/f/463464.pdf>

⁶⁵ Дж.Х. Юлдашев Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва таснифи <file:///C:/Users/kursant/Downloads/ARIMS%201938.pdf>

жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўзаро яқин муносабатларда бўлганлиги сабабли латентлик даражаси юқори бўлади. Кўплаб жабрланувчилар кўрқув, иқтисодий қарамлик ёки фарзандлар тақдири учун хавотир туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муурожаат қилмайди.

Оиладаги низо, тазйиқ ва зўравонлик оила барқарорлигига, болалар тарбиясига, маҳалладаги ижтимоий муҳитга, аҳолининг ҳуқуқий онгига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ижтимоий профилактика муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий профилактика жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан мақбул шаклларида бири ҳисобланади. Оила-турмуш соҳасида ижтимоий профилактика қуйидаги вазифаларни қамраб олади: 1) низоларнинг барвақт аниқланиши; 2) хавф гуруҳига кирувчи оилаларни ҳисобга олиш; 3) ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш; 4) психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш; 5) аҳоли бандлигини таъминлаш; 6) болалар тарбиясидаги муаммоларни бартараф этиш; 7) гендер тенглик маданиятини шакллантириш. Ижтимоий профилактиканинг асосий мақсадларидан бири жиноят содир этилгунга қадар унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳисобланади⁶⁶.

Оила-турмуш муносабатлари досирасидаги жиноятларнинг олдини олишда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирок этади. Уларга ички ишлар органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар фаоллари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат органлари, ижтимоий хизматлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари киради. Қонунчиликка мувофиқ ушбу субъектлар тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш, хавф омилларини баҳолаш ва профилактик чораларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади. Айниқса, маҳалла институтининг имкониятлари катта аҳамиятга эга. Маҳалла фуқаролар йиғинлари оилалардаги ижтимоий муҳитни яхши билган ҳолда низоларни эрта босқичда аниқлаш ва уларни ҳал этиш имкониятига эга.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, профилактика инспекторининг фаоллиги юқори бўлган ҳудудларда оилавий низоларнинг оғир оқибатларга олиб келиши эҳтимоли сезиларли даражада камаяди. Таҳлилларга кўра оила-турмуш муносабатлари досирасидаги жиноятларнинг олдини олишда бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Жумладан:

- латент жиноятчиликнинг юқорилиги;
- психологик хизматлар етарли даражада ривожланмаганлиги;
- айрим ҳолларда профилактик ҳисобнинг формал юритилиши;
- ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги;

⁶⁶ Д.Ш.Утепов Профилактика инспекторларининг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя орденини бериш фаолиятига доир фикр ва мулоҳазалар file:///C:/Users/kursant/Downloads/62-67+IQRO.pdf

- оилалар билан ишлашда комплекс ёндашувнинг етишмаслиги.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: 1) ҳар бир маҳаллада хавф даражасини баҳолашнинг ягона электрон тизимини жорий этиш; 2) психологлар ва ижтимоий ходимлар штати сонини кўпайтириш; 3) оилавий медиация институтларини ривожлантириш; 4) жабрланувчилар учун реабилитация марказлари фаолиятини кенгайтириш; 5) ёшлар ва ота-оналар учун мунтазам ҳуқуқий саводхонлик дастурларини ташкил этиш; 6) профилактика инспекторларининг криминологик ва психологик тайёргарлигини кучайтириш; 7) болалар ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг эрта индикаторларини аниқлаш бўйича рақамли мониторинг механизмларини жорий этиш⁶⁷.

Оила-турмуш соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашишда асосий эътибор жазони муқаррарлигини таъминлашга эмас, балки жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни барвақт (эрта) аниқлаш ва бартараф этишга қаратилиши лозим. Бу борада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. *Маҳалла институти ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.* Ҳар бир нотинч ёки низоли оилани маҳалла «еттилиги» томонидан манзилли ўрганиш ва уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

2. *Тиббий-психологик ёрдам тизимини йўлга қўйиш.* Оиладаги агрессияни олдини олиш мақсадида спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволаш, шунингдек, жабрланувчиларга профессионал психологик ва инқирозли марказларда реабилитация хизматларини кўрсатиш.

3. *Ҳуқуқий саводхонликни ошириш.* Аҳоли ўртасида, хусусан, ёш оилалар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш. Оилавий (маиший) зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик муқаррарлиги ҳақида тушунтириш ишларини тистематик йўлга қўйиш.

4. *Пробация хизмати ва ижтимоий хизматларнинг ўзаро интеграцияси.* Илгари судланган ёки маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларнинг оиласидаги вазиятни пробация хизматлари томонидан назоратга олиш ҳамда уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш.

Ижтимоий профилактика тадбирларининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. *Эрта аниқлаш ва ижтимоий баҳолаш.* Ижтимоий профилактика оила ҳақида дастлабки маълумотни тўплашдан бошланади. Манбалар сифатида 1102, 112, 1146 ишонч телефони, “Инсон” маркази, маҳалла, тиббиёт муассасаси, таълим муассасаси, қўшнилар, қариндошлар, ОАВ ва ижтимоий тармоқ хабарлари хизмат қилиши мумкин. 354-сон қарорда тазйиқ ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат “Инсон” марказлари,

⁶⁷ <https://lex.uz/acts/7938806>

ижтимоий ходим, ички ишлар органларининг 1102 рақами, 112 хизмати ва 1146 ишонч телефони орқали келиб тушиши мумкинлиги белгиланган.

Дастлабки баҳолашда қуйидаги саволлар аниқланади: жабрланувчи хавфсиз жойдами; болалар хавф остидами; зўравон шахс яқинлашиш имкониятига эгами; жисмоний шикаст, таҳдид, таъқиб ёки қурол ишлатиш ҳолати борми; оилада ишсизлик, қарздорлик, қарамлик, уй-жой низоси, руҳий инқироз ёки тиббий муаммо мавжудми; аввал ҳимоя ордери берилганми.

2. *Жабрланувчига йўналтирилган ижтимоий ёрдам.* Жабрланувчи билан ишлашда асосий тамойил – хавфсизлик, махфийлик ва ихтиёрийлик. Ижтимоий профилактика жабрланувчини ариза ёзишга мажбурлаш ёки оилани сақлаш мақсадида “ярашиш”га ундаш эмас. У жабрланувчига ўз ҳуқуқлари, мавжуд хизматлар, ҳимоя ордери, шошилинч тиббий ёрдам, психологик қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маслаҳат ва вақтинча бошпана имкониятларини тушунтиришдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-175-сон қарорида шошилинч қабул бўлимларининг бирламчи кўмак хоналарида ёрдам олган шахслар тиббий хулоса ва ҳимоя ордери асосида ариза талаб этилмаган ҳолда ҳудудий марказларга жойлаштирилиши, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг ижтимоийлашув даражаси эса ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори томонидан олти ой давомида мониторинг қилиниши белгиланган.

3. *Иқтисодий мустақилликни қўллаб-қувватлаш.* Иқтисодий қарамлик кўп ҳолларда жабрланувчининг мурожаат қилишини ва хавfli муҳитдан чиқишини қийинлаштиради. Шу сабабли ижтимоий профилактикада бандлик органлари, маҳалла ва “Инсон” маркази билан биргаликда аёлни ёки бошқа жабрланувчини ишга жойлаштириш, касб-хунарга ўқитиш, тadbиркорликка йўналтириш, болаларни боғча ёки мактабдан кейинги машғулотларга жалб қилиш, моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар масаласини кўриб чиқиш муҳим.

Амалиётда профилактика инспектори иқтисодий муаммони мустақил ҳал қилмайди, лекин уни ҳужжатлаштиради, тегишли идорага йўлланма беради ва натижани мониторинг қилади. Масалан, ишсизлик ва қарздорлик оилада низо сабаби бўлса, “суҳбат ўтказилди” деган қайд билан чекланиш етарли эмас; шахснинг бандлик ёки ижтимоий ёрдам тизимига ҳақиқатда улангани текширилиши керак.

4. *Зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахс билан ижтимоий-коррекцион иш.* Ижтимоий профилактика фақат жабрланувчига ёрдам беришдан иборат эмас. Зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахс билан ишланмаса, ҳуқуқбузарлик такрорланиш хавфи юқори бўлиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-175-сон қарорда ҳимоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахснинг ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастури “Инсон” марказлари билан келишилган ҳолда тасдиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 441-сон қарори эса тузатиш дастури доирасида психокоррекция жараёнига ННТларни жалб қилиш учун давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиб боришни назарда тутди. Бундай дастурлар шахсда агрессияни бошқариш, мулоқот маданияти, зўравонлик оқибатлари, ҳуқуқий жавобгарлик, оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ички назорат ва жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади.

5. *Болаларни ҳимоя қилиш ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик.* Оиладаги зўравонлик болага бевосита қаратилмаган бўлса ҳам, унинг гувоҳи бўлган бола руҳий травма олиши, хавотир, агрессия, дарс қолдириш, ижтимоий изоляция ёки ўз жонига қасд қилиш хавфига дуч келиши мумкин. Шунинг учун профилактика инспектори болалар иштирокидаги ҳар қандай оилавий низода инспектор-психолог, мактаб психологи, васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликни таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йилги ПФ-33-сон Фармонда аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка оид ишларни махсус тайёргарликдан ўтган ходимлар томонидан кўриб чиқиш, таълим муассасаларида махсус алоқа каналлари бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ва “зўравонликка тоқатсизлик” тамойилини ижтимоий меъёр сифатида шакллантириш вазифалари белгиланган.

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш алгоритми. оила-турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар хавфини ижтимоий профилактика воситалари орқали барвақт аниқлаш ва бартараф этиш учун профилактика инспектори ва ҳамкор субъектлар томонидан қўлланиши мумкин.

№	Босқич	Амалий мазмун
1	Хабарни қабул қилиш	102, 112, 1146, “Инсон” маркази, маҳалла, таълим, тиббиёт ёки бошқа манбадан келган маълумотни рўйхатга олиш
2	Дастлаб ки хавфни баҳолаш	Жабрланувчи хавфсизлиги, болалар ҳолати, зўравон шахснинг яқинлиги, таҳдид, шикаст ва такрорийликни аниқлаш

3	Жабрланувчи билан алоҳида суҳбат	Махфий шароитда ҳуқуқлар, хизматлар, ҳимоя ордери ва хавфсизлик режаси тушунтирилади
4	Ижтимоий омилларни баҳолаш	Ишсизлик, қарздорлик, иқтисодий қарамлик, руҳий ҳолат, тиббий муаммо, уй-жой низоси ва болалар эҳтиёжи ўрганилади
5	Ҳуқуқий чорани танлаш	Ҳимоя ордери, маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий чора, расмий огоҳлантириш ёки профилактик ҳисоб масаласи кўриб чиқилади
6	“Инсон” марказига йўналтириш	Ижтимоий баҳолаш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва реабилитация хизматлари учун йўлланма берилади
7	Хизматлар режасини тузиш	Ижтимоий ходим, маҳалла ва ИИО иштирокида яқка тартибдаги ижтимоий реабилитация ёки қўллаб-қувватлаш режаси белгиланади
8	Зўравон шахс билан ишлаш	Профилактика суҳбати, огоҳлантириш, тузатиш дастури, психокоррекция ва зарур ҳолда тиббий йўналтириш
9	Иқтисодий ва маиший муаммони ҳал қилиш	Бандлик, касбга ўқитиш, моддий ёрдам, уй-жой, болалар масаласи бўйича масъул идоралар жалб қилинади
10	Мониторинг	Ҳимоя ордери ижроси, хизматлар кўрсатилиши, такрорий мурожаатлар ва хавф даражаси мунтазам текширилади
11	Қайта баҳолаш	Хавф камайган, сақланган ёки кучайгани аниқланади; чоралар ўзгартирилади ёки кучайтирилади
12	Яқунлаш ёки кейинги босқич	Хавф бартараф этилса иш яқунланади; хавф сақланса махсус, яқка тартибдаги ёки жиноий-ҳуқуқий чораларга ўтилади

Алгоритмдаги ҳар бир босқич ҳужжатлаштирилиши лозим. Хусусан, хабар манбаси, хавфни баҳолаш натижаси, жабрланувчи билан суҳбат, берилган йўлланма, хизматлар режаси, ҳимоя ордери, тузатиш дастури ва мониторинг натижалари алоҳида қайд этилади. Ҳужжатлаштириш кейинги ҳуқуқий чоралар учун ҳам, хизматлар самарадорлигини баҳолаш учун ҳам зарур.

ИИО ходимлари учун амалий тавсиялар:

1. оилавий низо бўйича ҳар бир мурожаатни ижтимоий хавф сигнали сифатида баҳолаш, “ариза йўқ” деган ҳолат хавф йўқлигини англамайди;
 2. жабрланувчи билан суҳбатни зўравонлик содир этган шахс иштирокисиз, махфий ва хавфсиз шароитда ўтказиш;
 3. ҳимоя ордерини фақат ҳуқуқий чеклов сифатида эмас, балки ижтимоий хизматларга улаш механизми сифатида қўллаш;
 4. ишсизлик, қарздорлик, уй-жой, болалар, тиббий ёки психологик муаммони қайд этинг ва масъул идорага аниқ йўлланма бериш;
 5. жабрланувчини яраштиришни асосий мақсадга айлантирманг; биринчи мақсад — хавфсизлик ва ҳуқуқлар ҳимояси;
 6. зўравонлик содир этган шахс билан ишлашда фақат огоҳлантириш билан чекланмасдан, тузатиш дастури ва психокоррекцион ишни ташкил қилиш;
 7. болаларни зўравонлик гувоҳи сифатида эмас, эҳтимолий жабрланувчи сифатида баҳолаш;
 8. натижани “тадбир ўтказилди” билан эмас, хавф камайди, хизмат кўрсатилди, такрорий мурожаат йўқ, ордер бузилмади каби мезонлар билан баҳолаш.
- Ижтимоий профилактика тадбирларининг самарадорлиги фақат ўтказилган тадбирлар сони билан эмас, балки хавф омилларининг камайиши, жабрланувчининг хавфсизлиги ва такрорий ҳуқуқбузарликнинг олди олингани билан баҳоланади.

Мезон	Ўлчаш усули
Жабрланувчи хавфсизлиги	Қайта хавф баҳолаш, ҳимоя ордери ижроси, қайта мурожаатлар
Ижтимоий хизматларга уланиш	“Инсон” маркази, психолог, ҳуқуқий ёрдам, шелтер, бандлик хизматлари ҳақиқатда кўрсатилгани
Такрорий ҳуқуқбузарлик камайиши	1 ой, 3 ой, 6 ой кесимида чақирувлар ва мурожаатлар динамикаси
Зўравон шахс хулқида ўзгариш	Тузатиш дастури, психокоррекция иштирок, профилактик суҳбат натижалари
Иқтисодий муаммо ҳал этилиши	Ишга жойлашиш, моддий ёрдам, касбга ўқитиш, қарз ёки уй-жой масаласида амалий натижа
Болалар хавфсизлиги	Мактаб психологи, инспектор-психолог, васийлик органи маълумотлари
Махфийлик ва ишонч	Жабрланувчи маълумотлари ошкор этилмагани, мурожаат каналларига ишонч

Оила-турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактика ва таъсир чоралари тизимида ижтимоий профилактика ҳуқуқий таъсир чораларини тўлдирувчи ва уларнинг натижадорлигини оширувчи муҳим йўналишдир. Зеро, оиладаги зўравонлик, тазйиқ ёки ҳуқуқбузарликнинг илдизи кўпинча ишсизлик, иқтисодий қарамлик, руҳий босим, ижтимоий ёлғизлик, болалар тарбиясидаги муаммо, уй-жой низоси ёки тиббий-руҳий ҳолат билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий профилактиканинг асосий қоидаси шундан иборат: ҳуқуқбузарлик хавфи аниқланган ҳар бир ҳолатда жабрланувчи хавфсизлиги таъминланади, ҳуқуқий чоралар қўлланади, ижтимоий хизматлар ишга туширилади, зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахс билан тузатиш ишлари олиб борилади ва натижа мунтазам мониторинг қилинади. Бундай ёндашув ички ишлар органлари ходимини фақат ҳуқуқий таъсир кўрсатувчи эмас, балки маҳалла, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт, таълим ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминловчи марказий субъект сифатида намоён этади.

Шу боис амалиётда қуйидаги формула асосий мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин: ижтимоий профилактика = хавфни эрта аниқлаш + жабрланувчи хавфсизлиги + ижтимоий хизматларга йўналтириш + зўравон шахс билан тузатиш иши + мониторинг + такрорий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг ижтимоий профилактикаси жиноятчиликка қарши курашишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, мазкур соҳада мустақам ҳуқуқий база шакллантирилди, ҳимоя ордери институти жорий этилди, профилактика субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги кучайтирилди. Бироқ профилактик фаолиятнинг самарадорлигини янада ошириш учун давлат органлари, маҳалла институтлари, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро интеграциялашган фаолиятини таъминлаш зарур. Фақат комплекс ва илмий асосланган ёндашув орқалигина оилавий жиноятчиликни камайтириш, оилалар барқарорлигини таъминлаш ва жамият хавфсизлигини мустақамлаш мумкин.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларнинг ижтимоий профилактикаси фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмас. Бу масала давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оиланинг ўзаро узвий ҳамкорлигини талаб қилади. Профилактиканинг самарадорлигига эришиш учун жазо чораларини қўллаш билан бирга, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва жабрланганларга тезкор ижтимоий-ҳуқуқий кўмак бериш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://lex.uz/acts/4494709>
2. <https://uzbekistan.osce.org/sites/default/files/f/documents/9/f/463464.pdf>
3. Дж.Х. Юлдашев Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги хукукбузарликларнинг турлари ва таснифи <file:///C:/Users/kursant/Downloads/ARIMS%201938.pdf>
4. Д.Ш.Утепов Профилактика инспекторларининг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш фаолиятига доир фикр ва мулоҳазалар <file:///C:/Users/kursant/Downloads/62-67+IQRO.pdf>
5. <https://lex.uz/acts/7938806>
6. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни. – URL: Lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳимоя ордери бериш тартибига оид қарори. – URL: Lex.uz
8. «Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан...» Қонун. – URL: Lex.uz.
9. Ахмедов И. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари.
10. Криминологиянинг долзарб масалалари: «Хавфсиз оила ва хавфсиз маҳалла». Илмий тўплам.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган «Хавфсиз маҳалла» тизимини жорий этишга оид фармонлари. Lex.uz